

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 27 март, № 13 (3449) •


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифийислоҳотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Ўзбектеатр» бирлашмасини ташкил этиш билан боғлиқ ижодий, ташкилий, молиявий-хўжалик ва ишлаб-чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбектеатр» бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси, театр ташкилотлари ва ҳудудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланиб, мулкчилик шакллари ва қайси идорага тааллуқли эканидан қатъи назар, мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр-студиялари, халқ театрлари жамоалари ва бошқа тегишли ташкилотларни ихтиёрий равишда бирлаштиради.

4. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги инобатга олинсин:

театр ва театр-студиялар ижодий жамоаларини халқимизнинг бой маънавий дунёси, маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини мадҳ этувчи, истиқлолни улуғловчи ёрқин саҳна асарлари яратишга йўналтириш, шунингдек, ватанпарварлик ғояларини, миллий-эстетик тамойилларни тарғиб қилишга қаратилган ташаббус ва ҳаракатларни рағбатлантириш;

ўзбек халқ томоша санъатлари (халқ анъанавий театри, майдон томошалари, байрамлар) соҳасидаги бой тарихий меросни чуқур ўрганиш, тадқиқотлар, ўқув қўлланмалари яратиш учун шарт-шароит туғдириш;

ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш, театрларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ашёлар билан таъминлаш;

театрлар жамоалари, режиссёрлар, драматурглар, бастакорлар, рассомлар ва балетмейстерларга долзарб мавзуларда буюртмалар бериш, республика ва халқаро миқёсда кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиш, хорижий мамлакатларга гастроллар уюштириш, илмий анжуман, симпозиум ва семинарлар ўтказиш, турли мукофот ва совринлар таъсис этиш;

иқтидорли ёшларни излаб топиш ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига яқиндан ёрдам бериш;

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Камолот», «Умид», «Олтин мерос» ва бошқа жамғармалар ёрдамида ёш ижодкорлар санъатини тарғиб қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатимизда ва чет элларда таълим олиш ҳамда малака оширишларини уюштириш.

5. Миллий театр ва оммавий томоша санъатлари ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали нашр этилсин.

6. Театр санъати маънавият ва маърифатни юксалтиришнинг қудратли воситаларидан бири эканлигини назарда тутиб, жойларда бу санъат ривожи билан боғлиқ ишларни изчил амалга ошириш масъулияти Маданият ишлари вазирлиги билан бир қаторда, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг зиммасига юклансин.

7.»Ўзбектеатр» бирлашмасининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бирлашманинг «Артмадад» номли махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклларидан ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, турли муассасалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар жамғарма ҳаммуассислари бўлиши мумкин. Жамғарманинг таъсис мажлиси бир ой муддат ичида ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма Низомини балгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Артмадад» жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг ҳисоб рақамига эллик миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Тошкент шаҳар Ҳамза кўчаси 49-, 51-уйларни таъмирласин ва уларга «Ўзбектеатр» бирлашмасининг марказий аппарти, унинг жамғармаси ҳамда Театр ижодкорлари уюшмасини жойлаштирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги биргаликда Тошкент давлат санъат институтининг драма, мусиқали театр, қўғирчоқ театри, кино, телерадио, саҳна рассомлиги, санъат менежменти бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, ўқитиш услубини жаҳон андозалари даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Республика театр ташкилотларининг, айниқса, вилоятлардаги театр муассасаларининг малакали драматург ва режиссёрларга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий маълумотли, иқтидорли ёшлардан драматург ва режиссёрлар тайёрловчи икки йиллик олий курслар ташкил этилсин. Белгилаб қўйилсинки, ушбу курслар давлат буюртмаси ва шартнома асосида фаолият юритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига кирувчи театр ташкилотларининг бинолари қурилиши ва таъмирланиши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Тошкент давлат санъат институти ва унинг 400 ўринли ётоқхонаси янги биноларини лойиҳалаш ва қуриш учун тегишли маблағ ажратишни 1999-2000 йиллар режасига киритсин.

11. Театр ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат, Маданият ишлари вазирликлари ҳамда «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр муассасаларининг ихтисослаштирилган тизимини, республика, вилоят, шаҳар, туман, халқ ва ҳаваскорлик ҳамда хусусий мақомлари ва ижодий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

Шу билан бирга, театр ташкилотларига қўшимча молиявий манбалар топиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида уларнинг гастроль-концерт ва шартномалар асосидаги бошқа хизмат фаолиятидан тушадиган маблағлари, ҳомийлик ва инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестицияларидан имтиёзли фойдаланиш ҳамда театр жамоасини рағбатлантириш тартибини белгилайдиган Низом икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

12. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр ижодий ходимларига квалификация бериш, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва бошқа мукофотларга тавсия этиш бўйича уларнинг, айниқса, ёшларнинг бутун фаолияти давомида касбий ва ижодий ўсиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олувчи Низом ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсинлар.

13. «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан ва божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг мамлакатимизда театр-томоша санъатларини, илмий-тадқиқот ва нашр ишларини янада ривожлантиришга, бирлашманинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилсин.

Театр санъати ривожига ҳомийларни жалб қилиш мақсадида уларнинг фойдадан тўлайдиган солиқ бўйича базаси «Ўзбектеатр» бирлашмаси, унинг таркибидаги муассасалар ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни қоплаш учун маблағ ажратсин.

15. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.Каримов**
**Тошкент шаҳри,**
**1998 йил 26 март**

## НАВРЎЗ ТАРОНАСИ

«Туркистон» саройида «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси томонидан ташкил этилган «Наврўз таронаси» номли театрлаштирилган концерт дастурини мириқиб томоша қилдик.

Саҳнада дастлаб совуқ қиш ҳукмронлик қилади. Қиш (Вадим Власов)нинг ўткир қиличи ҳамма ёқни музлатиб, баҳорга йўл бермасликка ҳаракат қилади. Аммо Баҳорой (Тамилла Жалолова)нинг мағрур ва нафис қўллари уни чекинишга мажбур этади. Саҳна чечакларга тўлиб кетади. Баҳорой атрофида жамалаксоч қизлар-чечаклар рақс тушишади. Ана шунда масхарабозлар-жарчилар чор-атрофга жар солиб, янги йил — Наврўз кириб келганидан дарак беришади...

Концерт дастуридан сўнг саҳналаштирувчи режиссёр Жалол Юсупов билан суҳбатда бўлдик. У бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Концерт дастурининг асосий оғирлиги Муборак Мирзаева раҳбарлигидаги «Ассалом, қуёш» рақс ансамблига тушди. Ансамбл аъзолари — темирйўлчилар интернати тарбияланувчилари ёш бўлишларига қарамасдан Муборак опанинг топшириқларини бир зумда бажаришди. Мени бир нарса таажжубда қолдирди. Бу ансамблни дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида билишар экану ўзимизда яхши танишмас экан. Бундан ташқари, Хореография билим юрти, Санъат институти талабалари, Дилшодбек Каттабековнинг иштироки дастурнинг янада жонли чиқишига ёрдам берди.

Ҳақиқатан ҳам «Наврўз таронаси» театрлаштирилган концерт дастури муаллифлари (режиссёрлар — Жалол Юсупов, Ойбек Қаюмов, бастакор — Алишер Икромов, рассом — Сергей Чернов) халқимизнинг олис тарихда шаклланиб, асрлар мобайнида яшаб келаётган урф-одат ва удумларини ҳижжалаб ўрганиб, уларни халққа қайтариш йўлида жонкуярлик кўрсатганлар. Бундан ташқари, «Ўзбекнаво» дирекцияси, «Туркистон» саройи маъмурияти ушбу концертни тайёрлашдек хайрли ишни ўз зиммасига олгани таҳсинга сазовордир.

**Маъпура НАБИЕВА**



ҚАЛДИРҒОЧНИ ҚЎНДИРГАН ҚЎШИҚ

6-бет

*Суйима ҒАНИЕВА*

## НАВОИЙНИНГ АРМОНИ

Исломнинг бешинчи рукни муборак Ҳаж сафари Навоий учун дардли бир армон бўлиб қолган эди. У «Вақфия» асарида ёзганди: «Эмдиким, ҳаётим гулшанининг баҳори хазонға етишти ва гулшанда битилган йигитлик гуллари тўкула киришти, сабзаси табиат ҳавоси бурудатидин (совуғидан — С. Ғ. Қавс ичидаги бундан кейинги изоҳлар ҳам муаллифга тегишли) оқарди ва лоласи куҳулат (ўрта ёш) совуғ нафасларидин сарғарди, сунбули сероби марғулаларидин (жингалаклари) тоб кетди ва ниҳоли сарбаланди ажал сарсаридин (совуқ шамоли) фано тупроғиға йиқилурға етти. Ул Ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) муаббад (абадий) давлатидин ва рафеъ (юксак) ҳимматидин кўнглумға кечмаган комларға комгор (бахтли) бўлубмен ва тушумға кирмаган мақосидға иқтидор топибмен. Икки орзу риштасидин ўзгаким, гириҳи (чигали) кўнглум пардасидин очилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тугуни жоним гулшанидин очилмади.

Аммо умидим улдурким, бу икки умидим мевасидин дағи баруманд (самарали) ва муродим будурким, бу икки муродим гавҳаридин дағи сарбаланд бўлғаймен ва бу орзумандлиғ хорхорининг (ҳаяжони) тикани кўнглумда синмағай ва бу мурод гавҳарининг ёғинин туфроққа элтмағай...

Мазкур икки орзудин бири (бошқаси — ижод билан машғуллик) муборак сафардурким, исломим шахси беш ҳисдин бирининг ўксуклиғи жиҳатидан ноқис бўлмағай ва мусулмонлиғим панжаси бир бармоқ йўқлиғидин малул қолмағай.

**Меникким, бу савдо низор айлади,**
**Ҳавас илгида беқарор айлади.**

**Не имконки, топқай қарору сукун,**
**Бировким, бу фикр этгай они забун.**

**Урармен қадам токи борғунча ком,**
**Ки, бўлғай муяссар менга ушбу ком.**

**Агар бўлса бу йўлда умрум талаф,**
**Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.**

**Ва гар бўлсам ўз комима баҳраманд,**
**Зиҳи мулки жовиду бахти баланд».**



**Давоми учинчи бетда**

## БИРИНЧИ ЎЗБЕК КОСМОНАВТ ҚИЗИ

### Деҳқонободдан чиқиши мумкин эди...

Юртимизда Наврўзи олам кезмоқда. Бироз куттириб келган баҳорнинг шашти баланд. Иссиқ иш хоналарини тарк этиб, дала-қирларга чиққан кишининг баҳри-дили очилади. Мустақилликнинг еттинчи баҳори янада қутлуғ келадиганга ўхшайди. Ҳозир ким билан гаплашманг, гап бориб кузги мўл хирмонга тақалади. Бу йил рисоладагидек қиш бўлди. Тоғларга қор мўл тушди. Демакки, сув ҳам мўл бўлади. Тежабтергаб ишлатилса, экин-тикинга ҳам, боғ-роғларга ҳам етиб ортади.

Халқимизда «Еттининг бири хизир» деган нақл бор. Оила йили деб эълон қилинган ушбу йил, назаримда, Хизир бува нигоҳидан четда қолмайдиганга ўхшайди. Лекин, кўп нарса ўзимизга боғлиқ. Астойдил бўлсак, бепарволик қилмасак, жон куйдириб ишласак, кузда чўмични мой босди, деяверинг. Жанубий вилоятларда экин-тикин ишлари анча авж олиб қолди. Чаппор уриб гуллаган боғларни кўриб вужудингизда ажиб ҳислар уйғонади.

Дарвоқе, биз кўпинча наврўз тантаналари тўғрисида ёзганимизда дастурхондаги нозу неъматлар, саховатпешаларнинг ҳимматлари, санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқларига кўпроқ эътибор берамиз. Лекин асосий гап бунда эмасга ўхшайди. Жиддийроқ кузатган киши Наврўз аввало ризқ-рўз йилининг боши, тафт келиб қолган пўрсилдоқ ерга қўйилган биринчи қадам, сепилган уруғлик, яхши ният, эзгу-умид эканлигига эътибор беради. Наврўз одамларга «Вақт келди, энди бундан буёғи сенга боғлиқ, бир баҳя вақтни ҳам бекорга ўтказма, эк, ундир, парвариш қил ва роҳатини кўр», деяётгандай. Белингни боғла, чавандоз бўлсанг тулпорингга мин, Барчин бўлсанг Алпомишингни кут, деҳқон бўлсанг енгингни шимар, дардман бўлсанг неъматларимдан е»,деяётгандай...

Қашқадарёнинг бир неча туманларида бўлиб ўтган Наврўз тантаналарида қатнашиб, ўзим учун анча-мунча нарсаларни кашф этдим, десам муболаға бўлмас. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик маъракаларига бағишланган катта кўпкарида қатнашганим эсимда. Жонларини ўртага қўйиб от минган, соврин учун ҳайқириб курашаётган шунқорларнинг ақл бовар қилмас даражадаги матонатлари эсимда. Ўшанда... бир йигитнинг омади келмай, улоқни энди тақимига босганида йиқилиб қолиб уйига совринсиз қайтган эди. Шу йигит бу йилги Наврўзда ҳаммани ҳайратда қолдириб, учқур дулдулини ўйнатиб, энг катта соврин эълон қилинганида асабий кишнаётган отлар тўдасидан улоқни айириб маррага етиб келди. Шаҳрисабздаги Амир Темур номи билан аталувчи жамоа хўжалигидан келган Ўктам полвон Жовлиев экан. Ҳаммамиз «Э, отангга раҳмат, ҳалол, ҳалол!» дея олқишлаб юбордик.

Шу ерда ўтган йилги иш якунларига кўра илғорларга кўпдан-кўп совринлар топширилганида, ўртага юзлари қип-қизил, кўзлари тийрак

**Давоми иккинчи бетда**

## ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

*27 март — Халқаро Театр куни*

***Театр санъати намояндаларининг бу профессионал байрами Халқаро Театр институти (Париж) ҳамда ЮНЕСКО қошидаги Халқаро театр ташкилоти ташаббуси билан 1961 йилдан буён нишонлаб келинади. Шу байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси раиси Бернора ҚОРИЕВА қуйидагиларни гапириб берди.***

— Аввало шуни айтишим керакки, халқаро аҳамиятга молик ҳар қандай тадбирлар барча даврларда ҳам катта фойда келтирган. Халқаро Театр куни ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, бу халқаро байрамнинг «Театр халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш воситасидир», деган шиори шундан далолат бериб турибди.

Умуман, халқлар бир-бирларининг санъатларини тушунишлари учун тил билишлари шарт эмас. Санъат ўзининг нафосати, инсонийликка даъвати, яхшиликка рағбати билан ҳамиша ҳамма халқларга бирдек тушунарли бўлиб келган.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз театрлари ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Бугун бизнинг театр жамоаларимиз жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари билан ижодий алоқалар ўрнатди. Республикамизда чет эллик санъаткорлар фаолият кўрсатаётган бўлсалар, худди шундай вазифани бизнинг ижодкорларимиз чет элда амалга оширмоқдалар. Узоққа бормай, буни Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри мисолида ҳам кўрсатиб ўтишим мумкин. Ажойиб композитор ва дирижёр Маргарет Харрис Ж.Гершвиннинг «Порги ва Бесс» операсини саҳналаштиришда катта ёрдам берди. С.Юдаковнинг «Насриддиннинг саргузаштлари» балетини эса Қозоғистон халқ артисти Булат Аюханов муваффақиятли саҳнага қўйди.

Америкалик дирижёр Винстон Фогел театримизда қўйилган «Кармэн» ва «Баттерфляй хоним» асарларига дирижёрлик қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Катта театримиз оркестри Малайзияда машҳур малайзиялик композитор Пи Ромлининг асарларини ижро этиб, илк бор лазер дискига ёздиришга муваффақ бўлди.

Рус ёш томошабинлар театри режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдураҳмонов яқинда Исроил давлатидан қайтиб келди. У Бейт-Цви Олий театр мактабида Толстой асарини саҳналаштирди. Бу спектакл шу кунгача 22 маротаба намойиш этилганини қувонч билан таъкидлагим келади.

Қаршидаги «Мулоқот» театр-студияси базасида ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида Халқаро театр маркази ташкил этиш юзасидан катта ишлар бошлаб юборилди.

Кўриб турганингиздек олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Мен бу ерда баъзи фактларни қайд этиб ўтдим, холос. Шу бугунгача амалга оширилган ва бажариш учун режалаштирилаётган ишларимиз ҳали жуда кўп.

Кези келганда мени кўпдан буён ўйлантириб келаётган бир масала хусусида гапириб ўтиришни истардим. Гап шундаки, бугунги кунда ўзбек театр санъатида ўз мактабини ярата олган йирик намояндаларимиз, арбобларимиз бор. Мен, масалан, Баҳодир Йўлдошев сингари машҳур режиссёрларнинг ўз мактаби бўлишини ва улар санъатга чин юракдан интилган истеъдодли ёшларни камолга етказишларини жуда истардим. Фақат театрда эмас, санъатимизнинг бошқа соҳаларида ҳам бу иш долзарбдир. Албатта, ҳозирча бу ниятни амалга оширишнинг иложи бўлмай турибди. Лекин вақти келиб бизнинг ёшларимиз шундай имкониятларга эга бўлардиларки, биздан олдин ўтганлар буни ҳатто тушларида ҳам кўрмаганлар. Масалан, мен театр маркази тузилиб, унга компютерлаштирилган тизим ўрнатилиб, бутун дунёдан ахборотлар олиш имконига эга бўлишимизни жуда хоҳлайман. Ва ўйлайманки, бу орзуларимиз албатта амалга ошади. Чунки бугун биз буюк келажакнинг пойдеворига ғишт қўйяпмиз. Бу пойдевор шубҳасиз санъат, хусусан, театр санъати билан янада мустаҳкам бўлади, деб умид билдираман.

**Н. ФИОЛЕТОВА**
**ёзиб олди**

## БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ёшлик, баҳор, гўзаллик, муҳаббат — бу муштарак тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлармиди? Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг катта майдони Наврўз шодиёнаси билан гўзаллашиб, яшариб кетди. Устозлар ва шогирдлар умумхалқ байрами — Наврўзи оламни шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Тантанада академик Тўрабек Долимов, таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев сўзга чиқиб, жамоани қутлуғ байрам билан қутлашди. Маданият саройи қошида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлар ансамбли томонидан тайёрланган «Наврўз келди бизни соғиниб» мавзуидаги адабий композиция ҳаммада илиқ таассурот қолдирди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хушовоз хонанда Абдулҳай Каримовнинг ёқимли қўшиқлари, «Тановар» рақс ансамбли санъаткорларининг дилрабо ўйинлари учрашувга файз бағишлади. Бош майдонда бошланган байрам кайфияти талабалар уйларига кўчди. Ўйин-кулги, хушвақтлик ва хушбахтлик шукуҳи ёш юракларда акс садо берди.

# МАҚСАД АСЛИ НИМА ЭДИ?

***Сўнгги пайтда матбуотда ваҳҳобийлик ақидасига боғлиқ бир қанча мақолалар эълон қилинди. Газетхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу мақола ҳам мазкур сохта ақиданинг келиб чиқиш жараёни ва номатлуб заминини очишга бағишланган бўлиб, ёшларни пуч ғояларга учмаслик ва янглишиб қолмасликка даъват этади.***

Муборак истиқлолимиз туфайли кўп йиллар қувғинда бўлган динимиз яна равнақ топа бошлади. Бунга мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан Фарғона вилояти мисолида ҳам кўплаб далиллар келтириш мумкин. Вилоятда истиқлолга қадар бор-йўғи учта масжид қонуний рўйхатдан ўтган эди. Ҳозир бундай масжидлар 200 дан ортиқдир. Улар жомъе ва маҳалла мачитлари сифатида фаолият кўрсатяпти. Агар истиқлолга қадар вилоятдан саноқли одамлар Ҳажга борган бўлсалар, кейинги олти йил ичида тўрт мингдан ортиқ фарғоналиклар Ҳаж сафарига бориб келдилар.

Вилоятдаги дин арбоблари вилоят ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Вилоят, шаҳарлар ва туманлар миқёсидаги нуфузли йиғилишларда ҳамиша уларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинади.

Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, диндорлар учун яратилган мана шундай қулай шароитларда ҳам баъзи нопок, ғаламис, кўнгли кир кимсалар учраб қоляптики, улар диндорлар орасига қутқу солиш, ўз қора ниятлари йўлида диндан фойдаланиб, қонун йўлидан чекинишгача боряптилар. Масалан, кейинги йилларда Ўзбекистонда, айниқса, водий аҳолиси орасида «ваҳҳобийлик» деган тушунча пайдо бўлди. Хўш, ваҳҳобийлар кимлар? Республика матбуотида ваҳҳобийликнинг тарихи, асл мақсадлари, ғоялари ҳақида батафсил тушунча берувчи материаллар эълон қилинди. Яқинда ваҳҳобийлик тарихидаги янги жиҳатлардан ҳикоя қилувчи манбалар билан танишиб қолдим. Ўйлайманки, бу манбалар кўпчиликни бефарқ қолдирмаса керак.

Маълум бўлишича, ваҳҳобийликнинг пайдо бўлишига, ҳатто инглиз жосуслик хизмати ҳам алоқадор экан. Масалан, турк исломшунос олими М.Сиддиқ Кумушнинг 1997 йили Истанбулдаги «Ҳақиқат китоби» нашриётида чоп этилган **«Инглиз жосусининг айтганлари ёки Англиянинг Исломга қарши душманлик фаолияти»** китобида ёзилишича, Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб Басрада таҳсил олаётган вақтлари инглиз жосуси Хемпер билан учрашиб, унинг таъсирига тушиб қолади. Буюк Британия қироллиги Мустамлакалар вазирлиги ўша йиллари мусулмон Шарқи мамлакатларига — араб, форс, турк тилларини мукаммал биладиган, ўзини мусулмон деб юритадиган кўплаб жосусларни юборганди. Кейинчалик, Хемпер ўз хотираларида Муҳаммад Абдул Ваҳҳобни қандай учратгани ва уни ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун қўлга олганлигини ёзади.

Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб Ислом учун фақат пайғамбаримиз қолдирган Қуръонга итоат этишгина фарз, имом Абу Ҳанифа, имом Аҳмад Ибн Ҳанбал, имом Молик Ибн Инос, имом Муҳаммад Ибн Идрис Шофъий каби тўрт мазҳаб пешволари таълимоти, ҳатто пайғамбар авлодларининг айтганлари, шунингдек ҳадисларда келтирилган йўл-йўриқлар бекордир, дея таъкидлаган.

— Муҳаммад пайғамбар муслимларга фақат Қуръон ва суннани қолдирдим, деганлар, бироқ, авлодларим ва мазҳаблар имомларини ҳам қолдирдим демаганлар, — дея мулоҳаза қилишни севарди у, — демак, мусулмон одам саҳобалар, уламолар ва муҳаддисларнинг фикрларига қанчалик қарши чиқмасин, бари бир Қуръон ва сунна талабларига мувофиқ комил мусулмон бўлиб қолаверади!

Хемпер, Муҳаммад муҳаддислар, айниқса Имом Ал-Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий»сига анча қаттиқ ҳужум қилган ва «Саҳиҳи Бухорий»да келтирилган ҳадисларнинг ярмиси сохта ва бефойдадир, дея исботлашга уринган, дея айтади. Хемпер аста-секин бу йигитнинг қўлтиғига кириб, онгидаги исломий эътиқодни бидъат билан алмаштиришга ҳаракат бошлайди. Исломни чуқур ўрганган жосус ғўр, аммо, ўзини шариат илмининг энг буюк билимдонларидан ҳисобловчи муллаваччани турли йўллар билан айнитишга киришади. Масалан, аронийлар орасида мавжуд бўлган сийға никоҳ анъанасини далил қилиб, йигитни бирор аёл билан вақтинча бирга яшашга ундайди.

Хемпер Муҳаммадни яна бир инглиз жосус аёли — София билан таништиради. София ҳам мусулмон аёли қиёфасида Басрада разведка ишлари билан шуғулланарди.

Аста-секин Хемпер йигит онгида Ислом ақидалари мустаҳкамлигига ҳам шубҳа уйғота бошлайди. Масалан, рўза тутиш ва беш вақт намоз ўқишни доим ҳам шарт эмаслиги каби «фикри ғалат»ларни уқтиради.

— Намоз ўқишдан кузатилган мақсад Оллоҳни ёдга олишдир, — дейди у Муҳаммадга, — демак намоз ўрнига фақат Оллоҳнинг номини чексиз такрорлаб, саловат айтса ҳам бўлаверади.

Бир куни Хемпер Нажжийга:

— Ё Оллоҳ! — дея ҳаяжон билан мурожаат қилади, — Оллоҳнинг амри билан шу кеча тушимда жанобi пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу алайҳи вассалламни кўрибман. У киши тахти муборакда ўтирганмишлар. Атрофларида чаҳорёрлар, саҳобалар, уламолар... Шу палла да сен кириб келдинг, юзингдан порлоқ нур таралларди. Пайғамбарга яқинлашдинг, шунда ул зот ўрниларидан туриб пешонангдан ўпди ва:

— Эй, менинг адашим, биродарим, — дедилар, — Сен менинг давомчим, диний ва дунёвий ишларда халифам бўлғайсан!

Шунда сен:

— Ё Оллоҳнинг Расули! Мен таълимотимни одамларга тарғиб қилгани чўчияпман! — дея жавоб қилдинг.

Пайғамбаримиз эса:

— Сен барча буюклардан буюксан! Чўчима! — дея лутф қилдилар.

Бу ёлғон тушни эшитган Муҳаммад Нажжий гўё қанот боғлаб самога парвоз қилади... Шу кундан бошлаб Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб Исломда яратилажак янги оқим — Ваҳҳобийлик ғояси, назариясини пишита бошлайди...

Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб ўзини мужтаҳид — Исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний-ақидавий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс дея эътироф этди. Бу эса исломий масалаларда муслимлар онгида ўзгартириш яратиш учун бағоят қулай омил эди. У ўз ақидаларини ханбалий, яъни суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бирига асосланиб ярата бошлади. Ислом дини тонгида бу оқимга машҳур имом Аҳмад Ибн Ҳанбал асос солган эди. Ҳанбалий оқими қоидаларига амал қиладиганлар диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат қоидаларига риоя этишда қатъий мутаассиблиги билан ажралиб туришган. Улар Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни тақиқлаганлар. Ваҳҳобийларга қадар бу мазҳаб унча кенг тарқалмаган эди. Муҳаммад Абдул Ваҳҳобдан икки аср аввал араб диний олими, муфти Ибн Таймия бу мазҳабни жонлантиришга уриниб кўради. Аммо, уламоларнинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Ўзи қувғин қилиниб, ҳибсга олинади ва зиндонда вафот этади.

Энди Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб Ибн Таймия қўлидан тушган байроқни олади ва Ваҳҳобийликнинг юришини бошлаб беради.

— Ҳамма нарсанинг яратгувчиси яккаю ягона Оллоҳдир! Оллоҳга берилган 99 исм, пайғамбар, чаҳорёрлар, авлиёларга сиғиниш асли бидъатдир! Динимизни Муҳаммад давридаги асли ҳолига келтириш, арабларни чинакам исломнинг яшил байроғи остида бирлаштириш лозим! Исломнинг асосида Ваҳдоният, яъни якка худолик ётади! Шу боис муқаддас жойларни зиёрат қилиш, авлиёлар ва мозорларга сиғиниш, зоҳидлик айни куфрдир!

Бу ғоялар, айниқса, арабларни ислом байроғи остида бирлаштириш ғояси ўша пайтда араб ерларини босиб турган Туркияга қарши қаратилганлигини пайқаш мумкин. Албатта, бу ғоялар араблар онгини чулғаб олса нималар рўй беришини Хемпер кабилар чуқур тушунишган...

Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб Басра ва Дамашқ шаҳарларида таҳсил олиб қайтгач, она юртида уч ой чиллада ўтиради. Уч ой ҳамма томони ўраб ташланган уй ичида якка-ёлғиз, фақат худога тоат-ибодат қилиб вақт ўтказади. Юртдошлари уни катта билим эгаси, исломий олим, уламо, дея билганлар. Инглиз разведкаси топшириғига мувофиқ, Хемпер уни шу ерда ҳам излаб топади. Аммо, у ўз ғояларини тарғиб қилишни бошламаганди. У Хемперни ўзининг қули деб айтади ва доим ёнида олиб юради. Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб мадраса кўрган олим, мужтаҳид сифатида элдошлари орасида бирмунча обрў қозонгач, тахминан, милодий 1730-1740 йиллари ўз ақидаларини ташвиқ қилишга киришади.

— Чин мусулмонлар зеб-зийнат тақмасликлари, оддий кийинишлари даркор. Зеро, пайғамбаримизнинг ўзлари содда, халқона кийинганлар. Камтар-хокисор бўлинг! Айш-ишрат, дабдабага берилиш куфрликдир! Умрини худо йўлига эмас, балки бойлик тўплашга бағишлаганлар жойи дўзахдир! Ягона оллоҳга ибодат қилинг ва ундангина қўрқинг! Мусиқа тинглаш ва қўшиқ айтиш, расм чизиш ва бошқа енгилтакликлар гуноҳи азимдур!

Наж ўлкаси масжид ва мадрасалари минбарларидан овози баланд, ёш мужтаҳиднинг ваъзлари тез-тез янграй бошлади. Теварак-атрофида унинг издошлари, шогирдлари кўпайди.

— Эй мусулмонлар! Нега авлиёлар мақбараларини хожаси этагини ўпган қуллардай кўзда ёш ила тавоб этасиз? Ахир улар ҳам сиз ва биз каби оддий муслимлар-ку! Ахир, пайғамбаримиз ёлғиз Оллоҳгагина ҳожот излаб мурожаат этинг демаганмидилар?! Макка ва Мадинада серҳашам зиёратгоҳлар нечун? Дини исломни ўз ғаразли манфаатларига мослаштириб олган сохта авлиёлар таъсиридан сақланинг! Уларнинг китобларини ўқиманг ва уларга эргашманг! Оллоҳгагина ибодат қилинг! Исломдаги тўртала мазҳабнинг ҳаммаси бидъат! Уларга эргашганлар кофирдирлар. Пайғамбарга ибодат қилмангиз, зеро у сиз билан Оллоҳ ўртасидаги элчи, холос. Қиёмат куни кимга қандай жазо бериш фақат Оллоҳнинг иши. Муҳаммад эса сизга шафоат қилиши мумкин... Оллоҳдан ўзгага ибодат қилганлар — мушрикдирлар!

Шундай ваъзлар кўпларга таъсир қилади... Хемпернинг ёзишича, у Муҳаммад Абдул Ваҳҳобни пул ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турган. Баъзи ваъзлардан кейин ғазабга келган мусулмонлар янги доҳийни ўлдириш мақсадида унга ташланишган ҳам. Шунда Хемпер Абдул Ваҳҳобни муҳофаза қилиш учун танқўриқчилар ёллаган экан.

Милодий 1740 йили араб ҳарбий денгизчиси Муҳаммад Ибн Сауд Абдул Ваҳҳоб ақидасини тан олиб, унга мурид бўлади. Шу йили Ибн Сауднинг маслаҳати билан Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб ҳаж пайти Маккага бориб, бутун дунёдан йиғилган ҳожилар ҳузурида ўзини танитиб ваъз айтади. Ақидаларини шарҳлайди. Худди шу йили Муҳаммад Ибн Сауд Наж ўлкасини давлат дея эълон қилади ва бу давлатда Ваҳҳобийликнинг етакчи диний оқим эканлигини расмийлаштиради. Янги диний оқим бадавийлар ўртасида кенг тарқала бошлайди. Зеро, Ваҳҳобийлар одамларни тенглик, биродарликка чорлар, маиший ҳаётдаги дабдаба-асъасага чек қўйишни талаб қилар ва бу ғоялар оддий, саводсиз халқ онгига яхши сингирди. 1801 йили Ваҳҳобийлар қўшинлари шиаларга тегишли қатор зиёратгоҳларни бузиб ташлайди. Уларнинг давлати худудлари тезлик билан кенгая боради ва 1806 йили қарматлардан сўнг иккинчи бўлиб Ваҳҳобийлар Маккаи Шарифга бостириб кирадилар. (Маълумки, Исмоилийларнинг асосий шахобчаларидан ҳисобланган қарматлар милодий 930 йили Ҳаж вақти Маккага ҳужум қилиб, талон-тарож этганлар. Ҳажга борганларни ўлдирганлар, бир қисмини қул қилганлар, Каъбатуллоҳдаги ҳажар ал-асвад, яъни қора тошни парчалаб, ўлжа қилиб олиб кетганлар).

Француз исломшунос олими А.Мюссе ўзининг «Ислом» номли китобида тарихий манбаларга асосланиб ваҳҳобийларнинг Маккадаги вайронгарчилик ишларини таърифлаган. Маълум бўлишича, ваҳҳобийлар ҳам муқаддас шаҳарни оёқ ости қилишда қарматлардан қолишмаганлар. Шаҳардаги ўнлаб масжидлар ва мадрасалар бузиб ташланган, ўт қўйилган. Улар фақат Каъбанигина бузишга журъат этмаганлар. Минглаб қоп-қора, белига фақат лунги тақиб олган жулдур жангчилар Макканинг кўча ва майдонларида қозонлар осиб, овқат пиширар, шу ерда дам оларди.

Ваҳҳобийлар кўп утмай Мадинани ҳам босиб олишди. Бу ерда ҳам Маккадаги каби хунрезликлар авж олади. Пайғамбаримиз қабрлари ҳам поймол қилинади. Ваҳҳобий жангчилар қабр ёнига дошқозон қуриб, уни ошхонага айлантиришади. Мусулмон оламида мисли кўрилмаган бесаранжомлик бошланади. Чунки, ваҳҳобийларнинг ҳужумлари, анъана тусига кирган исломий одатларни тан олмасликлари натижасида Ҳаж йўллари беркилиб қолган эди. Минглаб мусулмонлар исломнинг беш асосий рукнидан бири Ҳаж қилиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Ваҳҳобийларнинг таъсир доираси кенгайиб, Ҳижоз ва Наж ўлкаларидан ташқарига ҳам ёйилди.

Ваҳҳобийларнинг қуролли гуруҳлари ҳатто Сурия ва Ироқ ҳудудига ҳам тез-тез босқинлар уюштириб турарди.

«Мустамлакалар вазирлиги Ваҳҳобийлар ҳукуматини махфий равишда қуллар ва таъминлаб турарди, — деб ёзади Хемпер, — Ваҳҳобийлар ҳукумати қул ниқоби остидаги ўн бир нафар жанговар инглиз офицерини хизматга олади. Улар араб тилини ва саҳрода жанг қилиш тактикасини яхши ўрганган эдилар. Биз ўз режаларимизни шу офицерлар билан бирга муҳокама қилардик. Ҳар иккала Муҳаммад ҳам бизнинг кўрсатмаларимиз бўйича иш юритишарди. Мустамлакалар вазирлигидан махсус курсатмалар бўлмай қолган тақдирда, биз қиладиган ишларимизни ўзимиз режалаштириб олавердик. Ҳамма инглиз офицерлари маҳаллий аёлларга уйланишди. Мусулмон аёлларнинг эрларига мутелиги менга жуда ёқди. Маҳаллий аҳоли билан алоқаларимиз мустаҳкамланишига бу ҳол ҳам яхши фойда берди. Айни пайтда ишимиз яхши кетаяпти. Марказлашган ҳукуматнинг кучи ошиб бормоқда».

Албатта, Англия ваҳҳобийларни қўллаб-қувватлаш орқали Туркияни заифлаштирмоқчи бўлган. Бу ҳол Туркия хукмрон доираларини ташвишга солиши табиий эди. Шу боис турк ҳукумати ваҳҳобийларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлади. Ўша пайтда Миср подшоси бўлган Муҳаммад Али Истамбулдан ваҳҳобийларни тугатиш, улар исёнини бостириш ҳақида буйруқ олади.

Милодий 1811 йили Муҳаммад Алининг қўшинлари ваҳҳобийлар билан жангга киришади. Миср қўшинлари аста-секинлик билан бўлса-да Ҳижоз ўлкасини ваҳҳобийлардан озод эта бошладилар. Макка ва Мадина шаҳарлари улар қўлидан тортиб олинди. Ҳаж йўлларининг хавфсизлиги таъминланди. Мусулмонлар яна Макка ва Мадинани тавоф қилиш имкониятини қўлга киритдилар. Орадан етти йил ўтгач, милодий 1818 йили Муҳаммад Али ваҳҳобийлар ҳукуматини тормор қилишга муваффақ бўлди. Бу пайтга келиб Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб вафот этган, аммо унинг издошлари курашни давом эттирмоқда эдилар.

Ваҳҳобийлик ҳаракати Туркия ҳукмронлигидан қутилиш ҳаракатига айланди. Англия бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашда давом этди. Масалан, машҳур инглиз жосуси Лоуренс Аравийский узоқ муддат қўзғолончилар орасида бўлиб, уларга ёрдам бергани маълум.

Ваҳҳобийлик ҳозирга қадар ҳам Саудия Арабистонида ҳукмрон ғоя ҳисобланади. Бу оқим издошлари Ҳиндистонда, Жанубий-Шарқий Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам учрайди. Кейинги даврда эса унга эргашувчилар Покистон, Афғонистон ва Тожикистонда ҳам пайдо бўлди. Худди шу давлатлар орқали ваҳҳобийликни Ўзбекистонда ҳам тарғиб этувчилар учраб қоляпти.

Хўш, ваҳҳобийликнинг асл мазмуни, улар олдиларига қўйган вазифалар нималардан иборат?

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, аслида арабларнинг турк истилосига қарши кураши ифодаси сифатида юзага келган бу оқим тарафдорлари дунёвий маданият, илм-фандан юз ўгириб, умуминсоний маънавий маданият тараққиётига қарши чиқадилар. Масалан, ваҳҳобийлар музика, қўшиқ, театр, кино, тасвирий санъат ва бошқа маданиятнинг муҳим соҳаларини бутунлай рад этадилар. Ҳозирги пайтда Саудия Арабистонида битта ҳам театр йўқлиги, тасвирий санъат музейлари, кўргазмалари ҳақида сўз ҳам юритилмаслиги фикримизнинг исботидир. Бир тасаввур қилинг, халқимизнинг асл ўғил-қизлари яратган музика, кино, театр, тасвирий санъат бойликларидан маҳрум бўлсак, бу келажак авлодни маънавий қашшоқликка, тушкунлик ва ўрта аср жаҳолатига етакламайдими? Яқинда Андижон вилоятидаги ваҳҳобийлик таълимотига учган бир гуруҳ ёшларнинг авлиёлар ва мозорларга сиғинишга қарши кураш баҳонасида қабристонларни оёқ ости қилганликлари, мозорларни бузганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Наманган вилоятида юз берган мудҳиш жиноятларчи? Булар динимизнинг асл қонун-қоидаларига зид ишлар-ку!

Кейинги пайтларда Фарғона вилоятида ҳам ваҳҳобийлар таъсирига тушган айрим ёшлар борлиги маълум бўлди. Бироқ вилоят жамоатчилиги ўз вақтида уларга тегишли баҳони берди. Кўплаб йиғилишларда, жомеъ мачитлардаги ваъзларда, матбуот чиқишларида ваҳҳобийликнинг асл мақсадлари кенг оммага тушунтирилди.

Кейинги етмиш-саксон йил давомида коммунистик мафкура онгимиздан диний эътиқодни сиқиб чиқариш учун барча ишни қилди. Хайриятки, бахтимизга юртимиз узра истиқлол қуёши порлади. Ўзбек миллати эркин нафас олди. Жаҳон ҳамжамиятига тўлақонли аъзо сифатида қўшилди. Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида халқимиз янги, озод, дунёвий давлат қурмоқда. МДҲ давлатлари ичида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг мустаҳкам, келажаги ёрқин мамлакат сифатида жаҳон бизни тан олди.

Шу пайтгача қувғунда бўлган Ислом ва бошқа динлар вакилларига кенг эркинлик берилди. Мамлакатда юзлаб мачитлар, мадрасалар очилди. Ҳар бир киши ўз виждон эркинлигига эга.

Ислом олами тарихида буюк из қолдирган Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби улуғ алломаларнинг муборак номлари яна эл-юрт ардоғида.

Мана шундай шароитда халқимиз табиати, урф-одатлари, анъаналарига зид таълимот, ваҳҳобийликни Ўзбекистонда тарқатишга уриниш нафақат зарарли, балки келажаги йўқ иш ҳамдир. Шуни айтиш кераккки, ваҳҳобий деган оқим ҳақида ўзбеклар тўрт-беш йил илгари эшитганлар, холос. Ота-боболаримиз бу оқим ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаганлар.

Ҳаёт олға бораверади. Ўзининг буюк келажагини ишонч билан барпо этаётган Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлдан ҳеч қандай диний-сиёсий оқим чалғита олмайди. Халқнинг фикри шу!

**Юнус АБДУЛЛАЕВ,**
**Фарғона вилоят прокурори ўринбосари,**
**адлия катта маслаҳатчиси**

# БИРИНЧИ ЎЗБЕК КОСМОНАВТ ҚИЗИ

## Деҳқонободдан чиқиши мумкин эди...

**Боши биринчи бетда**

бир мўйсафид мукофотни олиш учун чиқди. «Тўртоғайни» қишлоғилик Омонбобо Норов экан. Ўттиз йил темирчи бўлиб ишлаган эканлар. 1970 йилдан бери узлуксиз, ҳар йили икки-уч марта ўз ихтиёрлари билан қон топширар эканлар. Ўзларининг айтишича, бошқаларнинг тасдиқлашича, Омонбобо ҳозиргача 64 литр қон топширибдилар, вилоятдаги энг машҳур (балким бутун мамлакатдаги?!) донор эканлар. Яна шу ерда Усмон Юсупов номидаги ўрта мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Санжар Аҳмедовнинг номини айтиб қолишди. Ўзи билан суҳбатлаша олмадим. Аммо бу ёш йигитнинг «Олимпиада ўйинлари ўқувчилар нигоҳида» деб номланган туркум суратлари Швейцариянинг Лозанна шаҳрида муваффақият билан намойиш этилганини айтиб беришди.

Деҳқонобод туманида бўлиб ўтган Наврўз тантаналари ҳаммага маъқул бўлди. Р. Ашуров номидаги мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган Наврўз кўргазмасини томоша қилиб, тўғриси ҳайратим ошди. Асли, уларнинг бу ишларини кўргазма дейиш ҳам оз. Мактаб мутасаддилари раҳбарлигида ўқувчилар анча-мунча обрўли хорижий музейлар ҳам ҳавас қилса арзирли тарихий-этнографик осори-атиқаларни тўплашибди. Лофи биланмас, юз хилдан ошиқ Наврўз таомлари тайёрлашибди. Ота-боболаримизнинг яшаш тарзлари, меҳнат шароитлари, фаровон ҳаёт йўлидаги курашларини акс эттирувчи ҳамма нарсани жамлашибди. Хаёлимдан, қани энди тумандаги, вилоятдаги, мамлакатимиздаги ҳамма мактаблар ҳам шундай йўл тутишса, ёш авлодни ўзимизнинг асл қадриятларимиз руҳида тарбиялашса, деган фикр ўтди.

Худди шу ерда, «Белибойли» жамоа хўжалигининг ёш раққосалари баҳорни ҳам, Наврўзни ҳам, чор-атрофни ўраб турган қирадирларни ҳам ҳайратга солиб рақс тушишаётганида, суҳбатдошларимдан бири — Фармон ака Омонов бир гапни айтиб қолди:

— Биласизми, биринчи ўзбек космонавт қизи Деҳқонободдан чиқиши мумкин эди...

Маълум бўлдики, бир вақтлар Валентина Терешкова космик фазога учганида, деҳқонободлик ёш қизча Ҳалима Сатторова унга мактуб йўллаб «Мен ҳам космонавт бўлмоқчиман, сиз каби фазога учмоқчиман», деган экан... Э, у йиллари бизларга йўл қайда эди. Наинки космонавтикада, илмда, спортда, санъатда ва яна бошқа соҳаларда ҳам кимларнинг ошиғи олчи бўлганлигини яхши биламиз-ку. Оловиддин Отахонов деган гимнастикачи йигитимизни кўриб, ўша йиллари жаҳон чемпиони бўлган Андрианов «Мана, сафимизда ҳатто... ўзбеклар ҳам бор», деб кинoя қилганига ўзим гувоҳман. Мустақиллик бундайин тўсиқларни хас каби супуриб ташлади. Санъатда, спортда, илмда, бошқа соҳаларда ўзини намоён қилган, жаҳон эътиборини қозонган ёшларимиз билан ҳозирнинг ўзидаёқ фахрлана оламиз. Миллатдошимиз Солижон Шарипов фазогир бўлди. Яккабоғдаги шунқор йигитларни, тасодифан йиғилиб ҳам шаштидан қайтмаган чавандозларни, деҳқонободлик ўқувчиларнинг ҳайратланарли ишларини кўриб миллатимиз қадди чиндан ҳам тикланаётганлигига яна бир бор ишондим.

Бизга берилган энг улуғ неъмат — бу ўзликни намоён этиш имконидир. Бу имкониятдан нечоғли фойдаланиш эса яна ўзимизга боғлиқ.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**



Байрам қувончи

С. МАҲКАМОВ суратга олган

# «МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЕТТИ НАВРЎЗИ»

Талаба ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва эътиборни янада ошириш, уларнинг умумхалқ байрами — Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни нишонлашда фаол иштирокини таъминлаш ҳамда миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат, элюрт ободончилиги учун қайғуриш туйғуларини тарбиялаш — бутун жамоатчиликнинг бурчидир. Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ана шу мақсадда тасарруфидаги ўқув юртлари талаба-ўқувчилари ва аспирантлари орасида «Мустақилликнинг етти Наврўзи — истиқболнинг ойдин йўли» мавзуида ўқув юртлари республика илмий-амалий конференциясини ўтказишга қарор қилган эди.

Яқинда конференцияларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Талаба-ўқувчилар, аспирантлар кўрик-танловда қатнашиб, совринли ўринларни эгалладилар, энг яхши маърузалар, рефератлар муносиб тақдирланди.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида Наврўз байрами кунлари мазкур анжуманга якун ясади. Унда 15 дан ортиқ маъруза тингланди ва муҳокама қилинди. Айниқса, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти аспиранти Ф. Тиловатовнинг «Наврўз — оиланинг илк пойдевори», Тошкент Давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси М. Ортиқованинг «Апалита ва Наврўз», Фарғона Давлат университети талабаси Ш. Мустафоеванинг «Наврўзнинг меҳр-мурувват фазилатларини шакллантиришдаги ўрни», Бердах номли Қорақалпоқ Давлат университети талабаси Ш. Торебоеванинг «Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт йўқ», Тошкент авиасозлик коллежи талабаси А. Бичковнинг «Наврўзнинг ўзига хос хусусиятлари», Гулистон Давлат университети аспиранти У. Алибековнинг «Мустақиллик ва Наврўз», Жиззах политехника институти талабаси З. Жамолованинг «Истиқлолнинг етти Наврўзи», Навоий Давлат кончилик институти талабаси Т.Раҳматовнинг «Алломалар эъзозлаган шодиёна кун», Бухоро Давлат университети талабаси Д. Ҳайитованинг «Наврўз — оила ва маҳалланинг орасталик байрами», Наманган Давлат университети аспиранти Р. Расулованинг «Баркамол авлоднинг камол топишида маънавий тарбия» мавзуларидаги чиқишлари конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда ўқилган маърузалар, рефератлар ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади, юқори ўринларни эгаллаган илмий тадқиқотлар вазирлик таъсис этган махсус мукофотлар, дипломлар билан тақдирланади, энг сара маърузалар тўплам ҳолида чоп этилиб, ўқув юртларига тарқатилади, оммалаштирилади.

Ёш тадқиқотчилар — талаба-ўқувчилар ва аспирантлар учун пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига илм, маърифат ва маданият масканларига саёҳатлар ҳам уюштирилдики, бу конференция қатнашчиларида илиқ таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир ёшларимизнинг таълим-тарбияси ва маънавий камолотига хизмат қилади.

**Н. НАРЗИЕВ**

# ДЕНГИЗДА ДУР, ГАВҲАР КЎП!

**«Биз йўқотган гавҳарлардан бири»**
***(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1997 йил, 12 декабр сони).***

*Акс-садо*

Мақолани ўқидим-у, худди йўқотган жуда зарур нарсани топгандек бўлдим. Ҳа, муборак Ҳадисда айтилганидек, ҳикматли сўз — мўмин кишининг йўқотган нарсасидир. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир. Сорахон Отамирзаева ўз мақоласида бепарволик иллати ва унинг оқибатларини чиройли тасвирлабди. Бу — мен учун янгилик. Кўпдан бери мен ҳам шуни ўйлаб юрардим: нега мустақиллик эълон қилинганида халқ гуррос кўчаларга оқиб чиқмади? Нега кўзда ёш билан бир-биримизни муборакбод этмадик? Нега бир йилдан сўнг озод юртимиз БМТ аъзолигига қабул қилингач, яна ўша аҳвол такрорланди? Нима деб хулоса чиқарсак бўлади? Лоқайдлигимиз ҳақидаги бундай аламли мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Қаранг, грузинлар, агар тарихга дахлдор бўлса, ҳатто отнинг тақасини ҳам бахмалга ўраб, асрашар экан. Инглизлар Тож Маҳални ғиштма-ғишт бузиб, кемага юклаб, Англияда қайта қурмоқчи бўлишган экан. Буни эшитган ҳиндлар қўзғолон кўтариб, саройни ҳалқа бўлиб ўраб олишган. Босқинчиларнинг нияти амалга ошмаган. Бизда-чи? Ҳатто 20—30-йилларда ҳам Оқсаройни батамом бузиш учун оммавий ҳашар(!)лар уюштирилган, ғиштлари узоқ-узоқларга ташиб кетилган. Бутун халқ бир тан бўлиб, бу куфр ишдан бош тортса, бузишга йўл қўймаса бўлмасмиди? Нега шундай ҳолат юз бермади? Аксинча, яқин-яқингача ҳам «фалончи намоз ўқийди», уйида «эскича» китоби бор, деб керакли кишиларга хабар етказган ўз ичимиздан чиққан имонсизлар эмасми?! Шундоққина Оқсаройнинг рўпарасида сақич, сигарета сотиб ўтирган йигит Амир Темур ҳақида ҳеч нарса билмаса, нима дейсиз?

Кўпчиликни эса бошқа нарса кўпроқ қизиқтиради. Мулоқотлар чоғида шундай саволлар албатта бўлади: хўш, ойлигинг қанча ўзи, «левий» ҳам тушиб турадими? «Кўки»дан борми? Фалончи солиқчиларга сўзинг ўтадими? ва ҳоказо. Миллий манфаатлар, якдиллик, уйғоқлик тўғрисида саволлар оз.

Мен буларни нега ёзяпман? Биргина сабаб — Сорахон опанинг мақоласини ўқиб, ниҳоятда ҳамфикр эканлигимизни изҳор этиш истаги.

Ҳа, чиндан ҳам «Халқ — денгиз», унинг бағрида дуру гавҳарлар минг бора кўп! Ана шу гавҳарлардан бирини юзага олиб чиққан муаллифга ҳам, таҳририятга ҳам тасанно демоқ бурчимиздир.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**

